

«Омина» журнали: маърифат ва гўзалликнинг муштарак манзили



17:24 / 26 январь 801

Аёл табиати шундай: ҳамиша гўзалликка интилади, хонадонига файз берадиган жамики яхшиликларни хуш кўради ва энг муҳими, доимо қалбини маърифат билан тўлдиришга эҳтиёж сезади. Уй-рўзғор ишлари баробарида китоб мутолаасига, илм ўрганишга фурсат ҳам топса ўзини ҳам, оиласини ҳам хурсанд қилади. Бунинг акси бўлсачи? Имкон топилмасачи? Унда чора излаш керак! Агар ечим изланадиган бўлса, фойдали газета журналлар яхшигина кўмакчи бўлади. Турли маълумотлар бўлгани учун, мутолаа завқини туяди. Тағин маърифий журнал бўлса, айти муддао.

Юртимиз матбуот майдонида аёллар учун нашр этилаётган журналлар талайгина, бироқ уларнинг ичида «Омина» журналининг ўз ўрни, ўз овози

бор. Муслима опа-сингилларимизнинг севимли манбасига айланган ушбу нашр ҳар сафар янги сони билан хонадонларга нафақат маълумот, балки маънавий нур ҳам олиб киради.

Яқиндагина журналнинг 9-сони тақдим этилди. «Hilol Nashr»нинг телеграмдаги саҳифасида унинг муқовасини кўриб, очиғи, бироз таажжубландим (*фақат сурат яққол кўриниб турган, ёзувлар майда эди*). Аёллар журнали муқовасида нуроний, дўппили отахоннинг сурати... Қизиқ, бу юзи иссиқ ва таниш, нигоҳлари маъноли инсон ким?

Бир муддат хаёлга толдим ва ниҳоят танидим: ахир бу машҳур адиб ва ўша машҳур «**Саодат асри қиссалари**» асари муаллифи Аҳмад Лутфий Қозончи-ку! Видеоларда интервьюларини, эълон қилинган суратларини кўрганимни эсладим. Айнан адибнинг ўзи!

Кейин журналнинг ўзини олдим. Ўқишни бошладим. Масъул муҳаррир **Зумрад Шухрат қизи** Туркиянинг Бурса шаҳрига сафар қилиб, адиб ва у кишининг рафиқаси **Сожида хоним** билан самимий суҳбат қурибди. Буни суратлардан ҳам кўрса бўлади. Мақолани ўқир экансиз, адиб ва у кишининг умр йўлдоши билан ўтаётган гўзал ҳаёти, бир-бирларига бўлган муҳаббати, ҳурматига гувоҳ бўласиз. Таъбир жоиз бўлса, тинч, осуда оила қуриш учун нималар керак деган саволга бир умрлик ҳаёт мактаби билан жавоблар берилган эди. Ҳа, журналнинг ушбу сонидagi марказий мақола, адиб ва хонимидан олинган суҳбат, шунчаки суҳбат эмас, балки бахт формуласини излаб юрганларга топилма бўлибди. Ибратга тўла умр баён этилган бу суҳбатни, албатта, ўзингиз ўқиб чиқинг!

Шу билан бирга бошқа мақолалар ҳам жуда фойдали, сермазмун экан. Ишончим комилки, йигирмадан ортиқ турли хил мавзудаги мақолалардан албатта манфаат оласиз. Уларнинг ҳар бири сизга гўзал насиҳат ёки тавсия беради.

Хулоса қилиб айтганда, журналнинг бош муҳаррири **Одинахон Муҳаммад Содик** бошчилигидаги жамоа бу гал ҳам ўқувчилар учун ҳақиқий маънавий тухфа тайёрлашган. Саҳифалар ранг-баранг, дизайн кўзни қувонтиради, мақолалар ўргатади, ўйга солади, ва муҳими мазмун қалбга етиб боради.

Марҳамат! Журналнинг янги сонини ўқинг, фикр қилинг, ҳузурланинг!

Қамариддин Бекмуҳаммад
26.01.2026.